2 экз. перен

**Ушбу сонда:**

**2** КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА ҳомийлик ёрдами

**3** Кредит: БУ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ тадбиркор учун эса имконият

**4** *Эҳтиром* ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2006 йил 24 март, жума № 52 (2101)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОЙР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг таклифига биноан 2006 йил 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.***

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қиладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАРНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора- тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.***

Айни пайтда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Чорва мол боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмаган. Хўжаликларни зотдор, сермаҳсул чорва мол билан, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган.

Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш билан банд бўлган жисмоний шахслар учун пенсия тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларда қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган фуқароларнинг иш билан бандлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда меҳнат дафтарчаларини очиш ва юритиш, меҳнат органларида ҳисобга олиш, пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаш ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини белгиласин.

2. 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқуллансин, унда:

минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш;

зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш;

зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш назарда тутилсин.

Дастурнинг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун шахсий масъулият қишлоқ ва сув хўжалиги вазири (С.Исмоилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

***(Давоми 2-бетда)***

## «ТИКО»ДАН «ЛАСЕТТИ»ГАЧА

***«ЎзДЭУавто» конвейеридан илк ўзбек автомобили чиққанига 10 йил тўлди. Вақт - учқур қуш, дейдилар. Атиги ўн беш йил олдин «ўзбеклар автомобил ишлаб чиқарар экан», деган гапга биров ишонармиди? Ҳатто ўзимизнинг орамизда ҳам шу ҳақда гап очилгудек бўлса, «Қани эди!», дея ширин орзу-ҳавас билан чуқур энтикканлар қатори: «Бэ-эй, буларнинг барчаси ҳавойи гап, аравани қуруқ олиб қочишга не ҳожат», дегувчилар ҳам топилар эди.***

Бундан ўн йил илгари ана шу армонимиз ушалди. Эл-улус, олам аҳли кўз ўнгида мўъжизавий воқеа юз берди - эски тузум даврида қолоқ, аграр ўлка, фақатгина хомашё базаси сифатида қараб келинган, саноат ва машинасозлик учун нолойиқ кўрилган, «ўзбекларнинг қўлидан кетмон тутишдан бошқа иш келмайди» қабилида муносабатда бўлинган юртимизда ғоят қисқа фурсатда замонавий автомобил заводи қурилди. Тез орада унинг конвейеридан Истиқлол автомобилларининг тўнғич авлоди - ўзимизнинг машиналаримиз чиқа бошлади.

Ўшанда бежирим автомобилларимизга даставвал ўзимиз маҳлиё бўлиб боққандик. Кейин дунё бизга, мустақил Ватанимизга маҳлиё бўлди. Зотан, бу корхона халқимиз илм-фани, ақл-заковати, қудрату салоҳияти тимсолидир.

Эндиликда наинки оддий инсонлар, обрў-эътиборли кишиларимиз, қаҳрамонларимиз, чемпионларимиз, дунёнинг ҳар қандай нодир автоуловини харид қилишга қурби ва имкони етадиган, манаман деган мулкдор фуқароларимиз ҳам айнан ўз автомобилларимизда юрганини кўрганда қувониб кетади киши. «Ўзингда бўлса - ошайсан, қўшнингда бўлса - тилайсан», дейди донолар.

Биз чиндан ҳам янги замонга қадам қўйдик. Мўъжазгина «Тико»дан тортиб, бозори чаққон «Дамас» ва «Нексия», «Матиз» ва «Ласетти»гача аллақачон халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи, кайфиятини чоғ этувчи ҳожатбарорига айланиб улгурди.

Ҳа, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг илк йилларидаёқ Асакада Жанубий Корея билан ҳамкорликда замонавий ва йирик иншоот - «ЎзДЭУавто» корхонаси бунёд этилгани Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Марказий Осиё минтақасида ягона, илғор технология ва машина-ускуналар, ноёб техника билан жиҳозланган ушбу заводни, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, саноатимизни олға етаклайдиган улкан кемага қиёслаш мумкин. Бундай улкан ютуққа эса истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз иқтисодиётига хориж инвестициясини кенг жалб этиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилгани туфайли эришишимиз мумкин бўлди.



«ЎзДЭУавто» халқимиз фаровонлигини оширишда, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришда, Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу завод, уни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилган ва қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, авваламбор, кишиларимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда, ҳамюртларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамламоқда.

Бугунги кунда корхонада «Нексия», «Матиз», «Дамас» ва «Ласетти» енгил автомобиллари ишлаб чиқарилаяпти. Улар сифати, нархи, қулайлиги ва бежиримлиги билан харидорларга аллақачон манзур бўлиб улгурди. Автомобилсозларимиз жорий йил бошида «Дамас»нинг янги «В-150» моделини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бу илк миллий автомобилимизнинг 10 ёшлик тўйига муносиб туҳфа бўлди. 1996 йил 25 март куни завод конвейеридан чиққан дастлабки ўзбек автомобили ҳам «Дамас» эди.



Яқинда корхонада ускуналарни профилактика қилиш, муайян линияларни қайта жиҳозлаш, хусусан, автомобилларни бўяш линиясини модернизациялаш ишлари якунланди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, замонавий, пишиқ-пухта автомобилларни янада кўплаб ишлаб чиқаришни таъминлайди. Зеро, худди шу тариқа «Тико» ўрнини «Матиз», «Нексия» ўрнини «Нексия-Донс», «Ласетти» эгаллагач, харидорлар сони кескин ортгани сир эмас. Айни пайтда корхонада «Нексия»нинг навбатдаги янги модели тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили ташқи савдода мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткич - 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Натижада мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси 1,3 марта кўпайди. Демакки, иқтисодиётимизнинг ташқи бозор ўзгаришларига барқарорлиги янада ортди.

Ўтган йиллар мобайнида конвейерларида 500 мингдан зиёд автомобил тайёрланган «ЎзДЭУавто» акционерлик жамиятининг бунда салмоқли ҳиссаси бор. 2005 йили бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 44 фоиз ўсди. Бошқача айтганда, корхона ички бозорга 45 мингтадан, ташқи бозорга эса 53 мингтадан ортиқ автомобил етказиб бериб, ўз истеъмолчилари олдидаги мажбуриятларини самарали адо этди.

Бу йил «ЎзДЭУавто»да 140 мингтадан ортиқ машина ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шундан тахминан 60 мингтаси, яъни ўтган йилдагига нисбатан 14 фоиз кўп автомобил ички бозорга чиқарилади. Шунингдек, 2008 йилгача босқичма- босқич тўла лойиҳа қувватини ишга солишга эришиш - йилига 200 минг автомобил ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «ЎзДЭУавто» маҳсулотлари охирги икки-уч йилдан буён Россия бозорларида етакчи ўринни эгаллаб келаётир. Ўтган йили «ЎзДЭУавто»нинг минтақавий ваколатхоналари ва расмий дилерлар тармоғи орқали Россияга замонавий автомобилларимизни сотиш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 37 фоиз ошди, яъни 48 минг 623 автомобил сотилди.

Россия автомобилсозлик борасида катта тажрибага эга экани, ҳозирги кунда энг илғор хорижий фирмалар билан ҳамкорликда турли русумда енгил автомобиллар ишлаб чиқараётгани инобатга олинса, ушбу бозорда Ўзбекистон машиналари рақобатбардошликни қўлдан бермай келаётгани осон эмаслиги янада равшанлашади. Эътиборли жиҳати шундаки, автомобилсозлик борасида гигант давлатлардан ҳисобланувчи АҚШ ўз бозорида етакчиликни Япониянинг автомобил ишлаб чиқарувчи фирмаларига бериб қўйган бир пайтда, бу борада мамлакатимиз Россия бозорларида Япониядан ҳам юқорироқ мавқеда турибди.

Дунёнинг автомобилсозлик саноатига эга саноқли давлатларидан ҳисобланувчи (бундай давлатлар сони ўттиздан ошмайди) Ўзбекистоннинг енгил автомобилларига Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари, шунингдек, Хитой ва Афғонистонда ҳам қизиқиш тобора ортмоқда.

***(Давоми 2-бетда)***

***Қадимий Нурота гўзал табиати, шифобахш зилол булоқлари билан ҳам машҳур. Ана шу гўшанинг довруғини дунёга танитишда тадбиркорларнинг қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўляпти. Улардан бири Ўктам Мансуров «Нурота» корхонасини ташкил этиб, турли чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқаряпти. Қисқа фурсатда унинг маҳсулотлари сифати, шифобахшлиги билан ўз харидорларига эга бўлди.***

## НУРОТАНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

Тадбиркор Германия ва россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда корхонага замонавий қадоқлаш технологияларини келтириб ўрнатди. Бу ерда кунига 10 минг литргача апельсин, малина, кўк олма каби мевалардан турли хилдаги чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- Ўлкамизда Наврўз байрами кенг нишонланаётган шу кунларда корхонамиз ташкил этилганига бир йил тўлди, -дейди Ўктам Мансуров. - Қисқа муддат ичида кўп ишларни амалга оширишга улгурдик. Маҳсулотимиз харидоргирлиги боис молиявий имкониятларимиз ҳам кенгайиб боряпти. Иш икки сменада ташкил этилган. Яхна ичимликларимиз вилоят маркази Навоий шаҳри, Навбаҳор ва Конимех туманлари савдо шохобчаларида ҳам сотилмоқда. Бугунги кунда корхонада 10 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Йил охиригача яна қўшимча 5 та янги иш ўрни очиш ниятидамиз.

## ЙЎЛСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Мамлакатимизнинг муҳим автомобил трассаларидан бири ҳисобланган Самарқанд-Бухоро- Туркманистон халқаро йўлининг Вобкент тумани ҳудудидан ўтадиган икки километрлик қисми реконструкция қилиниб, бу ерда янги кўприк барпо этилди.

Қурилишга 901 миллион сўм маблағ сарфланди. Трасса ва ундаги эни 21,6, узунлиги қарийб 55 метрли мустаҳкам кўприк мустаҳкамлиги, дизайни жиҳатидан халқаро талабларга жавоб беради. Бош пудратчи «Вилоятавтойўл»га қарашли Бухоро йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси жамоасининг ғайрат-шижоати туфайли реконструкция ишлари муддатидан илгари ниҳоясига етказилди.

**(ЎзА)**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

## ВАКОЛАТ

### қонуний ва виждонан ишлаш учун берилади

***Одатда ишонган одамгагина ваколат берилади. Бунга жавобан эса виждонан фидойилик билан ишлаш керак. Юртимизда ўз вазифасини қойиллатиб уддалаётган, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган, халқ турмуш фаровонлигига сидқидилдан хизмат қилаётган кишилар минглаб топилади.***

Касаба уюшмалари жамият ҳаётида салмоқли ўрин тутади. Бинобарин, меҳнаткашларни мамлакат манфаати йўлида унумли ишлашга рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги тадбирлар диққатга сазовордир. Бунда барча бўғинлардаги касаба уюшма етакчиларининг хизматлари катталигини эътироф этиш керак. Шу ўринда Самарқанддаги «Нафис» АЖ, «Бунёдкор» қурилиш компанияси, Аэрогеодезия корхонаси касаба уюшма ташкилотлари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд туман кенгаши, енгил, мебел саноати ва коммунал хизмат ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши кабиларнинг амалий фаолиятини алоҳида қайд этган маъқул. Шубҳасизки, бу борада мазкур ташкилотлар етакчиларининг жонкуярлиги, ишчанлиги катта аҳамиятга эга. Чунки, улар ўзларига меҳнат жамоаси берган ваколатдан ўринли, мақсадли фойдалана оладилар ва бу ҳаракатдан барчага наф етади. Самарқанд вилоят касаба уюшмалари томонидан ҳар йили меҳнат ҳуқуқи поймол қилинган кўплаб ходимларнинг ишга қайта тикланиши, муҳтожларга ижтимоий ёрдам берилишига, янги иш ўринлари яратилишига, иш ҳақидан қарздорлик камайтирилишига ва бошқа кўплаб масалаларнинг ҳал қилинишига эришилиши меҳнаткашлар берган ваколатнинг рўёбга чиқарилишидир. Бунга доир мисоллар анчагина. Берилган ваколатга яраша ишончни оқлаш, хизмат қилиш бурчимиздир. Шу боис бу хусусдаги мисолларга ортиқча тўхталмаймиз.

Қуйида етарлича ваколатга эга ходимларнинг фаолиятида йўл қўяётган нуқсонлари, бўшангликлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Мақсад кимлардир касаба уюшмалари обрўси ва мавқеига путур етказадиган, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига халақит берадиган ҳолатларга йўл қўйилмаслигига эришишдир. Фаолиятга доир танқиддан сўнг камчиликларнинг ақалли бир қисмига барҳам берилса, охир-оқибат мукаммаллик сари янада яқинлашган бўламиз.

Ваколатнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳамма гап ҳар кимнинг ўз вазифасини талаб даражасида уддалашидадир. Афсуски, бу борада ҳамиша ҳам ижобий ҳолни кўравермаймиз. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги «Каттақўрғон МТП» ДАЖда жуда ғалати ҳолга дуч келдик. Вазиятни сиз билан биргаликда батафсил таҳлил қилмоқчимиз. Бош иқтисодчи Н. Муҳаммадиевни касаба уюшма ташкилоти етакчиси сифатида таништиришди. Лекин у яқинда сайланганини, ҳали ишга тўла киришиб кетмаганини, қўлида касаба уюшма ҳужжатлари йўқлигини билдирди. Аҳволни ўрганиш оқибатида маълум бўлдики, ташкилотнинг олдинги раиси пенсияга чиққач, у кейинги бир йилда фаолият кўрсатмаган. Буни тасдиқлайдиган бирорта ҳужжат йўқ.

***(Давоми 2-бетда)***

***Наврўз эзгулик, меҳр-оқибат, саховат айёмидир. Бундай шукуҳли кунларда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Фарғона шаҳридаги Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган байрам тадбири буни яна бир карра исботлади. Наврўз бу гал ҳам ҳар бир тарбияланувчи кўнглига одамларнинг юрак тафтини, меҳрини олиб кирди.***

## ЁШ ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

*- Болажонларимиз сумалак қайнаётган дошқозон атрофида қўшиқ айтиб, рақсга тушиб яйрадилар, - дейди мазкур муассаса директори Раъноҳон Довудбоева. - «Ал-Акбарали» кичик корхонаси, «Долина» фирмаси, «Ёрмозор Турсунҳожи» фермер хўжалигининг саховатпеша аъзолари уларга ўзларининг байрам совғаларини топширди. Шаҳардаги 33-умумтаълим мактаби ўқувчилари намойиш этган байрам дастури эса барчага завқ-шавқ бағишлади.*

*Бу тадбирлар нафақат байрамларда, балки йил бўйи ҳомийлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида давом этади.*

***Наврўз байрами пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг бир гуруҳ талабалари учун ниҳоятда шодиёнали келди. Чунки улар жорий йилнинг март ойидан бошлаб Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг стипендиясини оладиган бўлишди. Улар орасида Тошкент Молия институти талабаси Феруза Аҳмедова, Тошкент Давлат юридик институти талабаси Ойбек Бозоров, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети талабаси Жамшид Тожибоев, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси Елена Тамонова ҳамда Камолиддин Беҳзод номли Миллий Рассомлик ва дизайн институти талабаси Феруза Эркабоевалар бор. Шунингдек, ўрта махсус ўқув юртларининг бир гуруҳ талабаларига эсдалик совғалари топширилди.***

## КАСАБА УЮШМА СТИПЕНДИЯСИ

### энг яхши талабаларга насиб этди

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозимки, кейинги вақтда ёшларимизнинг ўқимишли, жисмонан бақувват ва маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб етишишлари учун давлатимиз ва шахсан Президентимиз томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишдан касаба уюшма ташкилотлари ҳам четда туришгани йўқ. Бу ҳақда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Нурилла Насимов шундай дейди:

— Юртимиз иқтидорли ва изланувчан ёшларга ниҳоятда бой. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар бир ташкилотнинг, қолаверса, ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Чунки эртанги кунимиз фарзандларимизнинг айни кунда қандай таълим-тарбия олаётганликлари билан чамбарчас боғлиқ. Хабарингиз бор, 1998 йилдан буён ўқув йилининг биринчи ярим йиллик якунига кўра аълочи, жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётган талабаларга стипендия таъсис этиб келинади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад талабаларни яхши ўқишга, маънавий етуклик сари рағбатлантиришдир.

Дарвоқе, олий ўқув юрти талабалари жорий йилнинг 6 ойи давомида ўзлари олаётган стипендиянинг 50 фоизи миқдорида қўшимча маблағ олишади. Шу муносабат билан уларга «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг стипендианти» гувоҳномаси топширилди.

Бундай эътибор, табиийки, талабаларни ҳам хушнуд этди.

*Эътибор*

**Жамшид Тожибоев: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетининг 2-курс талабаси**

— Касаба уюшма ташкилотининг ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши бизни янада аъло ўқишга ва жамиятимиз манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга даъват этади. Албатта, бундай эътиборга ўзимизнинг жамоат ишларида янада фаолроқ иштирокимиз ва юксак ватанпарварлик туйғуси билан жавоб берамиз.

**Иззатилла Исроилов: Мирзо Улуғбек номидаги машинасозлик коллежининг 2-курс талабаси**

— Бугунги мукофотдан бошим кўкка етди. Уни мен аъло ўқиш ва қолаверса келгусида мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**







*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# Кредит: БУ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

## тадбиркор учун эса имконият

***Бозор иқтисодиёти шароитида янги корхоналарни ташкил этиш, борларини банкротдан сақлаб қолишда кредит катта аҳамиятга эга. Чунки ривожланган мамлакатлардаги «Мерседес бенц», «Самсунг», «ДЭУ», «Тойота» каби саноат дарғалари ҳам кредит ҳисобига янги ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Шундай экан, мамлакатимизда бу борадаги аҳвол қай даражада, деган савол туғилади. Бошқача айтганда, республикамиз тижорат банкларининг кредит сиёсати жаҳон андозалари талабларига жавоб берадими, ё йўқми? Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Акционерлик тижорат «Пахта Банк»ида бўлдик.***

Банк мутасаддиларининг гапига қараганда, ушбу молиявий муассаса томонидан кредит маблағлари иқтисодиётнинг реал секторларига, жумладан аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологияларни сотиб олишга йўналтирилмоқда. Бу эса ўз навбатида банкка нақд пул тушуми ва мижозларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, шу йил 1 март ҳолатига мазкур ташкилот орқали хизмат кўрсатилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 108 минг 656 тани ташкил этиб, йил бошига нисбатан 2923 тага кўпайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди. Яъни, ўтган йили улар сони 31,5 мингтага кўпайди. Умумий рақам эса 310 мингтадан ортди. Бунга албатта, ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётганлиги туфайли эришилди. Хусусан, «Пахта-Банк» филиаллари томонидан шу давргача барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар қолдиғи 51,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бунинг ҳисобига 63 минг 746 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 59 миллиард сўмга етди.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашда экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор берилмоқда. Хусусан, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси доимий равишда шакллантирилиб борилмоқда. Ўтган икки ой давомида у 76,3 миллион сўмга ўсди. Натижада кичик бизнесга 11,7 миллиард сўм қарз берилишига муваффақ бўлинди. Шунинг 4 миллиард сўми оилавий тадбиркорликка, 1,8 миллиард сўми эса бошланғич сармояни шакллантириш истагида юрган кишиларга ажратилди.

### ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР УЛУШИ

Қашқадарёнинг бошқа вилоятлар ўртасида тутган ўрни, салоҳияти чексиз. Чунки мамлакатимизда қазиб олинаётган нефт ва газнинг асосий қисми ушбу ҳудудга тўғри келади. Бу ерда «Муборакнефтгаз», «Шўртангаз»



каби йирик саноат дарғалари мавжуд. Пахта ва ғалланинг ҳам энг кўп қисми шу вилоятда етиштирилади. Бундан ташқари, воҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бунда «Пахта Банк»нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси жамоасининг ҳам, айниқса, ҳиссаси катта бўлди. Мисол учун шу кунгача ажратилган микрокредитлар қолдиғи вилоятда 1,7 миллиард сўмни ташкил этади. Бу республика бўйича жами қолдиқнинг 45 фоизи демакдир.

Бошқарма ўтган йили пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 18,2 миллиард, ғаллага 918,3 миллион сўм қарз ажратди. Жамғармадан олинган ресурс маблағлари ҳозирги кунгача тўлиқ қайтарилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига бугунги кунгача пахта учун 5,4 миллиард, ғаллага 1,9 миллиард сўм имтиёзли қарз берилди. Бундан ташқари, банк ўз маблағи ҳисобидан республикамизда ва хорижда ишлаб чиқарилган техникалар ва эҳтиёт қисмлар учун 2,1 миллиард сўм ажратди. Шу кунгача хўжаликларга 16 техника сотиб олиш учун пул маблағлари етказилди. Нишон тумани деҳқонлари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга эса Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки маблағлари ҳисобидан техника, эҳтиёт қисмлар учун 1,7 миллиард сўм маблағ берилди. Ҳозирги кунда вилоятда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар қолдиғи 3,8 миллиард сўмни ташкил этади.

Бугунги кунда истиқболсиз ширкатлар тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Уларга сифатли банк хизмати кўрсатиш борасида бошқармада бир мунча ишлар қилинди. Жумладан, ўтган йили деҳқонларнинг қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабини ўрганган ҳолда 176 та субъектга 2 миллиард 267 миллион сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Уларга шу асосда кўплаб трактор, 8 та ғалла ўриш комбайнлари, 45 та культиватор, 52 та тиркама, 18 та плуг ва 5 та бошқа транспорт воситалари олиб берилди. Фермерларга қулайлик яратиш мақсадида 17 та минибанк ташкил этилди. Айни кунларда уларнинг сони 100 тага етди ва 6 минг 794 нафар мижозга хизмат кўрсатмоқда.

Қўшма корхоналар иқтисодиётнинг ривожланишида, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил ҳисобланади. Буни ўз вақтида тушунган бошқарма ходимлари ушбу соҳага катта эътибор билан қарамоқда. Масалан, «ЎзКазПласт» қўшма корхонасига бултур 8 фоиз устамаси билан 82,9 миллион сўм қарз ажратилди. Натижада бу ерда 13 та янги иш ўрни яратилиб, 92,3 миллион сўмлик янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Косон туманидаги «Дельфин» ишлаб чиқариш корхонаси «Пахта Банк»дан олган 25 миллион сўм қарз эвазига замонавий технологик линия сотиб олди. Ҳозирда ушбу ускуна ўрнатилиб, ички бозорга 42,4 миллион сўмлик ҳар хил музқаймоқ маҳсулотлари етказиб берилди. Банкнинг Китоб филиали мижози «Интер Осиё дизайн» хусусий фирмаси эса 5 миллион имтиёзли қарз кўтариб, ишлаб чиқаришни кенгайтирди. Бунинг ҳисобига 8 та янги иш ўрни яратилди, 25 миллион сўмлик пластмасса эшик ва ром тайёрланди, 8,8 миллион соф фойдага эришилди.

Умуман олганда бошқармада жами 13 минг 929 та кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг сони йил бошига нисбатан 528 тага ошди. Ишбилармонларга берилган қарзлар ўз самарасини бериб, вилоятда 6700 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 4,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Тадбиркорлар ишларини енгиллаштириш ва уларни ахборотлар билан таъминлаш мақсадида бошқарма ва унинг бўлимларида ишбилармонлар бурчаклари ташкил этилган. Уларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, кредит ва микрокредитлар бериш ҳақида йўриқномалар, уларни расмийлаштириш тартиблари намуна нусхалари акс эттирилган. Бундан ташқари, барча бўлимларда «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Тадбиркорларнинг оғзаки мурожаатлари, қарз сўраб берган аризалари махсус китобларда қайд этиб борилади. Бунинг натижасида улар кредитларни ҳеч бир тўсиқсиз олишмоқда. Масалан, Китоб туманидаги «Қобилбек Баҳодир ўғли» фермер хўжалиги банкдан 3 йил муддатга, 16 фоиз тўлов асосида, 16 миллион сўм кредит олди. Фермер олган қарзлари ҳисобига 14 та янги иш ўрни яратиб, 32 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарди. Соф фойда 12 миллион сўмни ташкил этди.



Кичик бизнесни кредитлашда бюджетдан ташқари жамғармалардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мисол учун Китоб туманидаги «Тўмарис» фирмасига мазкур жамғармалар ҳисобидан 10 миллион сўмлик қарз берилди. Фирма бу маблағга тикув машиналари ва хомашё сотиб олди. Ҳозирги кунда кредит тўлалигича қайтарилди ва фирма бундан катта фойда кўрди. Яккабоғдаги «Ибрат» хусусий корхонаси ҳам асаларичиликни ривожлантириш ва аҳолига шифобахш маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида 10 миллион сўм қарз кўтарди.

Бошқарманинг кредит бериш имкониятларини кенгайтиришда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва бошқа Фармонларидан келиб чиқиб, аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш бўйича жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Натижа ёмон бўлмади. Омонатлар бўйича ўрнатилган режа ҳамма вақт ошириб бажариб келинмоқда. Айни кунларда аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш юзасидан ишлар янада фаоллаштирилмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган янги, манфаатли омонат турларининг жорий этилиши натижасида банк ҳам, мижоз ҳам фойда кўрмоқда. Бу ўз навбатида нақд пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини ҳам қисқартирмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришда пластик карточкаларининг аҳамияти катта. Уни жорий этиш биринчидан, фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватласа, иккинчидан, пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартиради. Шу боис бошқармада Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, банк бўлимларида мавжуд шароитдан келиб чиқиб, пластик карточкалар эгаларига йилига юқори фоизда даромад тўлаш йўлга қўйилди. Ҳар ойда капиталлаштириш эвазига уларнинг пул маблағлари янада кўпаяди. Бундан ташқари, мижоз омонат миқдорини хоҳлаган пайтда кўпайтириши ёки пластик карточка ҳисоб-рақамидаги маблағни истаган вақтда олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, вилоятда пластик карточкалар ишнинг кўзини билиб ҳаракат қиладиган кишилар учун пул жамғариш, қўшимча даромад олиш манбаига айланиб бораётир. Шу боис вилоятда минглаб пластик карточкалар муомалага киритилмоқда. Савдо дўконлари, ёқилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларига терминаллар ўрнатиш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Барча туманларда шу усул билан ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилганлиги иш самарадорлигини ошираяпти. Аҳолининг банкка ишончини мустаҳкамлаяпти.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Биздан сўраган эдингиз*

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ЁЗМА РАВИШДА ТУЗИЛИШИ ШАРТМИ?

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: ишга кирувчилар ва муассасада 15-20 йилдан ортиқ ишлаётганлар билан меҳнат шартномаси ёзма равишда тузилиши шартми?***

**Р.АНЕНКОВА,**
**С.ЙЎЛДОШЕВА, Л.СОТИЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

**Жавоб**: Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига мувофиқ 1993 йил 3 сентябридан бошлаб республикамиздаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларда (мулкчилик шаклидан қатъий назар) меҳнат шартномаси ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилиши ва икки тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши зарур.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган меҳнат шартномасининг намуна ва ёзма шакли ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, ишлайдиган лавозими ишнинг бошланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдорини белгиловчи разряди, қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

Амалда бўлган қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилишига йўл қўйилмайди. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Энди муассасада 15-20 йилдан буён ишлаётган ходимлар билан ҳам меҳнат шартномасини ёзма равишда тузиш керакми, деган саволингизга келсак, барча муассаса раҳбарлари, ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар, касаба уюшма фаоллари ва барча ходимга қонунларга асосланган ҳолда қуйидагиларни эслатиб қўйишни зарур деб ҳисоблайман.

Агар ходим 1993 йилнинг 3 декабрига қадар (ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги Қонун амалга киритилган кун) ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1994 йил 7 январдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномасини ёзма равишда тузиш масаласи фақат ўша ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

Шундай экан, 1993 йилнинг 2 сентябригача ишга қабул қилинган ходимнинг розилигисиз ҳозир шу кунда меҳнат шартномаси ёзма равишда тузилса, у ноқонуний ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномалари номуайян муддатга (муддатсиз), беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ва бирор ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Ходимлар билан муддатли (беш йилгача) меҳнат шартномаси тузишда Меҳнат кодексининг 76-моддасига тўлиқ амал қилинмоғи зарур. Шунинг учун ҳам Меҳнат кодексининг 76-моддаси иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаб қўйган.

Муддатли меҳнат шартномалари:

— бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномалари тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

— корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи билан, корхонада бош ҳисобчи лавозими бўлмаган



тақдирда эса, унинг вазифасини бажарувчи ходим билан.

Шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Демак, бўш лавозимга ишга кирувчининг розилигисиз муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилишга йўл қўйилмайди. Вақтинча бўш бўлган лавозимларга: таътилларда, касаллик варақасида бўлган даврига, аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари ҳамда болаларини уч ёшгача парвариш қилиш учун бериладиган таътиллар даврига, асосий ходимнинг жамоат ишларига жалб қилинган вақтига янги ходим муддати меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиниши мумкин. Буларнинг барчаси ишга қабул қилиш тўғрисидаги меҳнат шартномасида ва буйруқда акс эттирилиши ҳамда бу ҳужжатлар ходимга имзо чектириб таништирилган бўлиши шарт.

Агар қонуннинг бу талаблари бажарилмаса, асосий ходим ишга чиққанда албатта низо келиб чиқади ва бир ўринда икки ходим бўлганлиги туфайли қисқартириш ўтказишга тўғри келади.

Ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишда қонуннинг тўғри қўлланилиши иш берувчининг зиммасига муҳим жавобгарлик юклайди. Унинг қонунни билмаслиги эса уни иқтисодий ва интизомий жазодан озод қилмайди.

***Уч минг нафарга яқин тиббиёт ходимлари Андижон вилоят "ДОТС"нинг вилоят марказида ташкил этилган ўқув курсида малака оширдилар.***

### ТИББИЁТЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Маълумки, Мазкур марказнинг асосий фаолияти сил касаллигини даволаш ва олдини олиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимидаги ходимлар малакасини оширишдан иборат. Бу ерда юқумли касаллик компьютер орқали тезда аниқланади ва даволаш ишлари олиб борилади.

Марказ ходимлари аҳоли ўртасида юқумли касалликка қарши тушунтириш ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

**«Туркистон-пресс»**

### ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Наврўз байрами кунларида Наманган тумани Ирвадон қишлоғида вилоят болалар шифохонаси тўлиқ реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилди.

Қисқа вақт ичида даволаш муассасасида катта ҳажмда капитал таъмирлаш ва рёконструкция ишлари амалга оширилди. Сув таъминоти, иситиш ва оқава сув тизимлари янгиланди.

- Ушбу муҳим ижтимоий объектда турли қурилиш ташкилотларидан олти юздан ортиқ киши икки сменада меҳнат қилди,- дейди «Наманганжамоақурилиш» акционерлик жамияти раиси ўринбосари М.Валихонов. - МПМК-267, «Комфорт» акционерлик корхонаси, «Мадад-дизайн», «Сифатмезон», «Саховат» қурилиш фирмалари ишчилари билан биргаликда 800 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Шифохона реконструкция қилингандан сўнг учта янги бўлим - жарроҳлик, пульманология ва аллергология бўлимлари очилди. Бу ва бошқа бўлимларнинг ҳаммаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Япония ҳукумати гранти асосида реанимация, ташҳис қўйиш ҳамда даволаш ускуналари сотиб олинди.

- Модернизация ва техник қайта жиҳозланишдан сўнг болалар шифохонаси замонавий кўринишга эга бўлди, - дейди бош шифокор ўринбосари Й.Эргашев. - Бино ва ускуналар жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Бу эса ташҳис қўйиш ва даволаш самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш имконини беради.

### ХУШ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАДИ

Пойтахтимизнинг Янги Ариқ маҳалласи аҳли Наврўз байрамини катта қувонч билан нишонлади. Эрта тонгдан дастурхон тузалиб, ош, сумалак, халим - кўклам неъматлари тортилди. Ўйин-кулги авжига чиқди. Миллий ўйинлар, айниқса, болаларнинг варрак учириш мусобақалари ёшу қарининг кўнглини хушнуд этди.

Якка-ёлғиз қариялар, беморлар, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олинди. Наврўз арафасида ўтказилган ҳашар барчага янада хуш кайфият бағишлади - кўчахиёбонлар, ариқ-зовурлар тозаланиб, дов-дарахтларга чирой берилган, янги кўчатлар ўтқазилган. Маҳалла - бугун пойтахтимизнинг энг гўзал гўшаларидан бири.

- Маҳалламиз аҳлининг нафақат Наврўз айёмини, балки ҳар бир байрамни ана шундай кўтаринки кайфият билан нишонлаши анъана тусини олган, - дейди Янги Ариқ маҳалласи раиси Абдулла Мирзаев. - Маҳалламиздаги ёшу қарида бирдек, ўзбеклигимизга - ўзлигимизга хос хайру саховат, ҳурмат- эҳтиром каби улуғ фазилатлар мужассам. Зеро, меҳр-оқибатли, аҳил ва меҳнаткаш одамлар истиқомат қиладиган жойдан қут-барака аримайди.


*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**«Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali»**

**Сизларни навбатдаги кимошди савдоларига таклиф қилади!**

**Навбатдаги кимошди савдоларини 2006 йилнинг 1,4,6,8,11,13,15,18,20,22,25,27,29 апрел ва 2,4,6,11,13,16,18,20,23,25,27,30 май кунлари ўтказади.**

**Кимошди савдоларига якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан қуйидаги ер майдонлари қўйилган:**

1.Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» даҳасида жойлашган, сатхи 0,02 га бўлган 13-сонли ер майдони.

**Бошланғич нархи — 403 760 сўм.**

2.Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатхи 0,04 га бўлган 8-сонли ер майдони.

**Бошланғич нархи — 807 520 сўм.**

Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

**Кимошди савдоларига, «Ўзбекистон Шампани» Очиқ Акциядорлик Жамияти балансидаги 1955-1970 йиллар орасида ишлаб чиқарилган жами 100 дона бўлган Е-1500 русумли цистерналар қўйилган.**

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.**

**Ҳамда аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Сирғали тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан «Тошкент тажриба таъмирлаш механика заводи»га тегишли бўлган қуйидаги объектлар қўйилган:**

1.1955 йилда қурилган, баландлиги 4 метр ҳамда умумий майдони 140 кв.м.га тенг бўлган қозонхона биноси мўрилари билан (Здание котельной с газоходами)

**Бошланғич нархи — 2 692 807 сўм.**

2. 1955 йилда қурилган бир қаватли, баландлиги 4 метр ҳамда умумий майдони 12 кв.м.га тенг бўлган «Электрматериаллар омборхона биноси» (Здание складов электроматериалов).

**Бошланғич нархи — 1 243 557 сўм.**

Кимошди савдоларига қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан 2 соат аввал тўхтатилади.

**Кимошди савдолари соат 11.00 да бошланади.**

**Савдолар ўтказиладиган манзил:**

**Тошкент шаҳар, Мирobод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй.**

*Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосидан 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланади.*

**Шунингдек, Республика Кўчмас мулк биржаси биржа савдоларига таклиф этади!**

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан РКМБ тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига «Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali» маклерияти орқали 2006 йил 24 мартдан бошлаб қуйидаги давлат улуши чиқарилмоқда.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган «GROTEKS» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Низом жамғармасидаги 30,21 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич нархи — 900 756 505 сўм.**

Савдоларда РКМБ рўйхатидан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

***Эслатма:** РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45 хона.**

**Телефонлар: 136-15-29, 144-44-72, 144-44-73, 136-28-75**



*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**"Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali"**

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат корхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ўтказиладиган ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади!

Савдоларга 2006 йил 24 мартдан қуйидаги давлат объектлари қўйилади:

1. Бўстонлиқ тумани хокимиятига қарашли, Бўстонлиқ тумани, Каранкул қишлоқида жойлашган "Дам олиш ва қайиқда сузиш базаси"даги ҳар бирининг умумий майдони 196,6 кв.м.га тенг бўлган "1-Коттедж", "2-Коттедж", "3-Коттедж", "4-Коттедж", "5-Коттедж" объектлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 4870,9 АҚШ доллари. (объект учун тўлов ЎзР МБнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.)

Имкониятингизни бой берманг!

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мирobод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефон: 133-28-52, 133-49-31, факс: 133-43-73.**



**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2006 йил 24 мартдан қуйидаги объектлар қўйилишини маълум қиламиз.

1. Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, «Пахтакор» кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган «Сирдарёсувқурилиш» МЧЖнинг давлат активлари.

**Бошланғич баҳоси — 105478,0 минг сўм.**

2. Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманида жойлашган «Мирзаобод тумани КФБ» МЧЖнинг 72,9 фоиз давлат активлари.

**Бошланғич баҳоси — 3658,30 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Телефонлар: 399 80 26, 136 15 28. Факс: 136 26 26 www.rkmb.uz**

***Эслатма:** РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

